
ЎЗЎВОНЛИКЛАР ПИЛЛА ЕТИШТИРИШ РЕЖАСИНИ ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ БАЖАРДИЛАР

Ўзёвон тумани пиллакорлари жорий йил пилла етиштириш бўйича шартномавий режани вилоятда биринчи бўлиб бажардилар.

“Ўзёвон агропилла” МЧЖ билан пилла етиштириш бўйича шартнома тузиб, янги услубда иш ташкил қилган 226 та фермер хўжаликлари ва 600 нафардан зиёд касаначилар томонидан шартномада белгиланган 118 тонна ўрнига, 119,7 тонна “кумуш тола” топширилиб, бу борадаги режа 101,45 фоизга бажарилди.

Туманда бу йилги мавсумда 2 минг 34 қути ипак қурти асосан инновацион усулда, яъни плёнка остида парваришланди. Пилла етиштиришнинг плёнка усули афзалликлари кўп. Бунда намлик яхши сақлангани сабаб, барг озуқаси исроф бўлмайди. Энг асосийси, анъанавий усулга нисбатан пилла тез етилади.

Инновацион усул ўз натижасини кўрсатди. “Чиллаки ҳосил” терими вилоятда биринчи бошланди. Етиштирилган пилла салмоқли, баракали бўлди.

Пиллакорларга топширилган пилла учун тарозининг устида килограммига 32 минг сўмдан тўланиши катта рағбат бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-05-29 10:23:56